



MOTURIDIYLIK

THE MATURIDIYYA - الماتريدية - МАТУРИДИЗМ

Narsalarning asl mohiyatini
bilishga olib boradigan yo'llar - hissiy anglash,
rost xabar va aqlidir.



MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريدية - Матуридизм



ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

- Музаффар КОМИЛОВ** – тарих фанлари номзоди, доцент
- Нуриддин ХОЛИҚНАЗАРОВ** – Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий
- Шоазим МИНОВАРОВ** – Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори
- Давронбек МАХСУДОВ** – тарих фанлари доктори, доцент
- Зоҳиджон ИСЛОМОВ** – филология фанлари доктори, профессор
- Аҳаджон ҲАСАНОВ** – тарих фанлари доктори, профессор
- Шовосил ЗИЁДОВ** – тарих фанлари доктори, доцент
- Жамолиддин КАРИМОВ** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
- Аҳмад Саъд ДАМАНҲУРИЙ** (أحمد سعد الدمنهوري) – илоҳиёт фанлари доктори
- Маҳмуд Эрол ҚИЛИЧ** (Mahmud Erol KILIÇ) – доктор, профессор, IRCICA Бош директори
- Назир Мухаммад АЙЁД** (نظير محمد عياد) – илоҳиёт фанлари доктори, Ал-Азхар мажмуаси Ислом тадқиқотлари академияси Бош котиби
- Режеп ТУЗЖУ** (Recep Tuzcu) – илоҳиёт фанлари доктори, профессор, Салжук университети ҳузуридаги Имом Мотуридий тадқиқот маркази директори
- Аширбек МУМИНОВ** – тарих фанлари доктори, профессор, IRCICA Бош директорининг дастурлар бўйича маслаҳатчиси
- Камалуддин Нурдин МАРЖУНИ** (Kamaluddin Nurdin Marjuni) – илоҳиёт фанлари доктори, Малайзия ислом фанлари университети кафедра мудири
- Дониёр МУРАТОВ** – тарих фанлари номзоди, доцент
- Одил ЭРНАЗАРОВ** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2023 йил 7 мартдаги 03-07/1503-сонли ҳулосаси асосида тайёрланди.

МУНДАРИЖА

Nigora Yusupova. Исломда гендер тенгликнинг ўзига хос тамойиллари	3
Shoislom Akmalov. Янги Ўзбекистон маърифий тақомилида илмий марказларнинг ўрни	12
Ilhomjon Bekmirzayev, Azamkhan Kambarov. “Ҳидоя” асарининг ёзилиш тарихи ва унинг турли тиллардаги таржималари	19
Nematulla Nasrullayev. Убайдуллоҳ ибн Масъуднинг “Тавзиҳ” асари манбалари ҳақида	29
Muhabbatkhan Agzamova. “Тарих ар-Русул вал-мулк” асарида ислом манбалари асосидаги ривоятларнинг баён этилиши	41
Nigora Khakimova. “Маҳосин” асарида енгиллаштириш тамойилининг қўлланилиши ..	48
Bakhodir Daminov. Жамиятда диний мутаассибликни вужудга келтирувчи турли омиллар таҳлили	55
Bakhodir Pirmukhamedov. Маҳмуд Замахшарийнинг “Рабъ ал-аброр” асарининг методологияси	65
Akhmadkhan Alimov. Мотуридий уламоларининг калом илми ривожига қўшган ҳиссаси	72
Abdulaziz Yakhshilikov. Сабаби нузул илми ривожланиш босқичларини тадқиқ этишнинг назарий масалалари	83
Ikhtiyor Abdurahmonov. “Шарҳ ат-Таъвилот” асари қўлёзмаларининг манбашунослик тавсифи	91
Mamurjon Erkayev. Ижара ақди билан боглик оятлар таҳлили	98
Nodir Shomirzayev. Реабилитация тушунчасининг шаклланиши ва диний реабилитациянинг ривожланиш тарихи	107
Ulugbek Jorayev. Туркия тарихида мотуридийлик таълимотининг ривожланиш босқичлари таҳлили	118
Jasurbek Abduqodirov. The role of Imam Maturidi's mausoleum in the development pilgrimage tourism in Uzbekistan	124
Pirnazar Rajapov. Saljuqiylar davlatining shakllanish jarayoni (1038–1157)	130
Абу Мансур Мотуридий (тарихий романдан парча)	140

Akhmadkhan U. ALIMOV,
*Researcher of the Imam Maturidi
International Scientific Research Center
11, A.Kadiri str. 100011,
Tashkent, Uzbekistan.
E-mail: ahmatkhon@mail.ru*

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2023-1/9

МОТУРИДИЙ УЛАМОЛАРИНИНГ КАЛОМ ИЛМИ РИВОЖИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

THE CONTRIBUTION OF MATURIDI SCHOLARS TO THE DEVELOPMENT OF THE SCIENCE OF THE KALAM

ВКЛАД УЧЕНЫХ МАТУРИДИ В РАЗВИТИЕ НАУКИ О КАЛАМЕ

КИРИШ

Абу Мансур Мотуридий “Дор ал-жузжония” мактаби вакили бўлиб, бу мактаб Самарқандда Абу Ҳанифанинг ақидавий қарашларининг кенг тарқалишида муҳим аҳамият қасб этган марказ ҳисобланган. IV/X асрнинг ўрталаригача аҳли раъй йўналишида, ундан сўнг асхоб ал-ҳадис йўналишида фаоллият кўрсатган ушбу марказда Абу Мансур Мотуридий етишиб чиққан ва минг-га яқин талабаларга сабоқ берган.

Ушбу мактаб тарихига назар ташласак, уни тахминан III/IX асрда Абу Мукотил Самарқандий барпо этган. Кейинроқ Абу Сулаймон Жузжоний ва Абу Бакр Аҳмад ибн Исоҳқ ибн Субайҳ Жузжоний томонидан ривожлантирилган.

Абу Мукотил Самарқандий (ваф. 208/823) Абу Ҳанифанинг ўзидан таҳсил олган ва Самарқандга қайтиб, устозининг фикрларини тарқатган. Кейинчалик у машҳур “ал-Олим вал мутааллим” асарини Самарқандга келтирган ва ундан сабоқ берган.

Иёзия мактаби (“Дор ал-иёзия”). Бу мактабнинг қандай ташкил этилгани ҳақида манбаларда маълумотлар учрамайди. Лекин аксарият тадқиқотчилар у IV/X асрда ташкил топган, деган тахминга келганлар. “Дор ал-иёзия” Абу Аҳмад Иёзий томонидан Самарқандда ташкил этилгани маълумдир. Абу Мансур Мотуридий яшаган даврда ҳанафийлар орасида пайдо бўлган иёзия тарафдорлари муташобеҳ оятларни таъвил

қилишга ҳамда ақлнинг асосий ҳужжат бўлишига кескин қарши чиққанлар.

Шу орқали улар Абу Ҳанифадан бошлаб сакланиб келаётган “Аҳли раъй”дан ажралиб чиқадилар ва “аҳли ҳадис”ни қўллаб-қувватлайдилар. “Аҳли ҳадис” ғояларини маъқуллаганлар иёзия тарафдорлари бўлиб, уларнинг энг машҳур вакили Абу Аҳмад Иёзий бўлган.

Абу Мансур Мотуридий аконд, калом илмида ўзининг ақидавий қарашларига хос каломий таълимотга тамал тошини қўйиб кетган. Гарчи ўзи ҳаётлик чоғида бу таълимот унинг номи билан эътироф этилмаган бўлса-да, кейинчалик бутун ислом оламида “мотуридия таълимоти”, деб тан олинди. Натижада ушбу таълимотнинг ақидавий ғоялари V/XI–VII/XII асрларда Мовароуннаҳрдан бошқа ўлкаларга ҳам секин-аста тарқала бошлади.

Албатта, бунда Абу Мансур Мотуридий ақидавий қарашларини давом эттирган ва мотуридия таълимоти вакиллари сифатида эътироф қилинган қўллаб ҳанафий уламоларнинг хизматлари таҳсинга сазовордир. Тарихга назар ташласак, VIII/XIV–XI/XVII асрларга келиб нафақат Мовароуннаҳрда, балки бошқа ислом диёрларида ҳам мотуридия таълимоти вакиллари етишиб чиққанига гувоҳ бўламиз.

АСОСИЙ ҚИСМ

Қуйида мотуридия таълимоти вакиллари бўлган бир қанча ҳанафий уламоларнинг илмий мерослари ҳақида маълумот беришга ҳаракат қиламиз:

1. Абул Юср Паздавий. Садр ал-ислом Абул Юср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абдилкарим Паздавий 421/1030 йилда туғилган (Ибн Қутлубуго, 1862:191). Дастлабки сабоқни отаси Абул Ҳасан Муҳаммад Паздавийдан олган. Мотуридийнинг шогирдларидан бўлган бобоси Абдулкарим ибн Мусо орқали Самарқанд калом мактаби билан танишиш имконидан ҳам фойдаланган. Ўз даврида бир қанча ҳанафий олимлардан таҳсил олган (Лакнавий, 1906:188). Устозлари орасида Абу Ёқуб Юсуф ибн Муҳаммад Нишопурий ва Абул Ҳаттоб каби олимларнинг ўрни катта бўлган. “Ақоид Насафий” асарининг муаллифи Абу Ҳафс Нажмиддин Умар Насафий (ваф. 537/1142) ва Абул Муин Насафий унинг энг машҳур шогирдари ҳисобланган. Шогирдлари орасида Рукн ал-аймма Абдулкарим ибн Муҳаммад Санойи (ёки Сабойи) Маданий,

Аннотация. Хуросоннинг Балх ва Рай шаҳарлари орқали ханафий таълимоти Мовароуннаҳрда ҳам ёйилиб, Хуросон шаҳарларидагидек жадаллик билан ривожланиб борган. Абу Ҳанифанинг Абу Муқотил Ҳафс ибн Салм (Сухайл) Фаззорий Самарқандий, Наср ибн Абу Абдулмалик Атоқий, Шарӣқ ибн Абу Муқотил, Маъруф ибн Ҳасан, Юнус ибн Сабиҳ, Исҳоқ ибн Иброҳим Ханзалӣ каби шогирдларининг сайъ-ҳаракатлари туфайли бу ердаги шаҳарлар, айниқса, Самарқанд ва Бухоро ханафий таълимотининг кенг ривожланишидаги марказларга айланган. Абу Ҳанифанинг шогирдлари бошлаб берган таълим жараёнлари ва қозилик вазифалари Самарқандда узоқ йиллар давом этди. 150/767 ва 300/912 йиллар орасидаги бир ярим асрлик даврда бу ерда муҳим жараёнлар содир бўлди ва натижада ўлкада “Самарқанд мактаби” каби мактаблар вужудга келди. Айниқса, аббосийларнинг давлат сиёсати сифатида қувватланган ханафийлик таълимоти олимларига турли шаҳарлардаги каби Самарқандда ҳам қозилик лавозимлари берилди. Бу жараёнлар Самарқандда ханафийликнинг кенг етилишига омил бўлди. Жўзжония мактаби вакили Абу Мансур Мотуридий яшаган даврда келиб (IX асрнинг охири – X асрнинг биринчи ярми) Мовароуннаҳрда тўғри йўлдан адашган турли ғуруҳ ва фирқалар кўпайиб, уларнинг аксарияти имон-эътиқод масалалари бўйича баҳсу мунозаралар туфайли вужудга келган эди. Мана шундай мураккаб шaroитда аллома Абу Мансур Мотуридий уларнинг нотўғри фикрларига асосли раддиялар берди. У ханафий мазҳаби асосчиси Абу Ҳанифанинг (699–767) таълимотига суянган ҳолда ўзига хос калом мактабини яратди. У асос солган мотуридийлик таълимоти кейинчалик Самарқанд калом мактаби доирасидан чиқиб, бутун ислом оламига тарқалиб, суннийликдаги икки йirik мактабининг бири (бошқаси – ашъария) сифатида танилди.

Калит сўзлар: ханафий, мотуридий, калом, ақида, мактаб, таълимот, йўналиш, Абу Мансур Мотуридий, мотуридий уламолари.

Abstract. Through the cities of Balkh and Ray of Khurasan, the Hanafi teachings spread in Mawarannahr and developed as rapidly as in the cities of Khurasan. Thanks to the efforts of Abu Hanifa's students, such as Abu Muqatil Hafis ibn Salm (Suhail) Fazzari Samarkandi, Nasr ibn Abu Abdulmalik Ataqi, Shariq ibn Abu Muqatil, Ma'ruf ibn Hasan, Yunus ibn Sabih, Ishaq ibn Ibrahim Hanzali, the cities here, especially Samarkand and Bukhara became a center for the wide development of Hanafi teachings. The educational processes and judicial duties initiated by Abu Hanifa's students continued for many years in Samarkand. During the one and a half century period between 150/767 and 300/912 years, important processes took place here, and as a result, schools such as the "Samarkand School" were established in the country. In particular, scholars of the Hanafi doctrine, which was strengthened as a state policy of the Abbasids, were given the positions of governors in Samarkand as well as in various cities. These processes contributed to the wide spread of Hanafism in Samarkand. By the time of the life of Abu Mansur Maturidi, a representative of the Juzjaniyya school (end of the 9th century - first half of the 10th century), various groups and factions that had lost the right path increased in Mawarannahr, and most of them arose due to disputes and debates on matters of faith. In such a complicated situation, Abu Mansur Maturidi gave reasonable refutations to their wrong ideas. He created his own school of kalam based on the teachings of Abu Hanifa (699-767), the founder of the Hanafi sect. The doctrine of Maturidiyya, which he founded, later left the framework of the Samarkand kalam school and spread throughout the Islamic world, becoming known as one of the two major schools of Sunnism (the other is Ash'ariyya).

Keywords: Hanafi, Maturidi, kalam, creed, school, teaching, direction, Abu Mansur Maturidi, scholars of Maturidiyya.

Аннотация. Ханафитское учение распространилось в Мавераннахре через города Балх и Рей и развивалось так же интенсивно, как в городах Хорасана. Благодаря усилиям учеников Абу Ханифы, таких как Абу Муқатиль ибн Ҳасан, Юнус ибн Сабиҳ, Исҳоқ ибн Ибраҳим Ханзалӣ, эдеиние города, в особенности Самарқанд и Бухара стали центрами развития ханафитского учения. Образовательные процессы и судопроизводство, основанные учениками Абу Ханифы в Самарқанде сохранились в течение многих лет. В полтораветковой период между 150/767 и 300/912 годами здесь происходили важные процессы, и в результате на этой территории возникла "Самаркандская школа" фикха. Ученые ханафитского мазхаба особенно наделенные полномочиями в области государственной политики аббасидов, получили должности кази в Самарқанде, а также, и в других городах. Эти процессы стали фактором широкого распространения ханафизма в Самарқанде. Ко времени жизни Абу Мансура Матуриди, представители джуджанинской школы (конец IX – первая половина X века), Мавераннахр был домом для растущего числа различных группировок, большинство которых появились в результате разногласий и дебатов по вопросам вероисповедания. В такой сложной обстановке Абу Мансур Матуриди начал полемизировать с ними насчет их разногласий. Он создал самобытную школу калама, опираясь на учение Абу Ханифы (699-767), основателя мазхаба ханафитов. Учение матуридизма, которую он основал, позже стала известна как одна из двух основных школ суннизма (другой была ашария), беря начало с Самаркандской школы калама и распространившись по всему исламскому миру.

Ключевые слова: ханафиты, матуридиты, калам, вероучение, школа, учение, направление, Абу Мансур Матуриди, ученые матуриды.

Мухаммад ибн Тохир Самаркандий ва Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Ҳулаийи каби олимлар бўлганини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин. Манбаларда қайд этилишича, Паздавий 493/1099 йилда Бухорода вафот этган (Самъоний, 1998:78).

Асарларидан “Усул ад-дин” муҳим аҳамиятга эга. Тўқсон олти масаладан ташкил топган мазкур асар мазмун жиҳатидан аҳли сунна вал жамоа йўналиши ва мотуридия мактаби фикрларининг бутун моҳиятини очиб бериш учун ёзилган.

Паздавий “Усул ад-дин” асарининг бошида таъкидлашчи, самаркандлик бир канча олимлар ҳам шу мақсадда асарлар ёзишган. Лекин улардан унчалик кўнгли тўлмаганлиги сабабли ўзи мазкур асарни ёзишга қарор қилган.

Абул Ҳасан Ашърийнинг ҳам кўплаб асарларини мутолаа қилган Паздавий унинг “Китоб ал-муъжаз” ва “Мақолат ал-исломийин” асарларига алоҳида ургу берган. Шунингдек, кўп маротаба Мотуридий фикрларини иловалар қилган. Масалан, ўз асарининг бошида у “Китоб ат-тавҳид” асарига ургу бериб, унинг услуби ва ўзига хос хусусиятлари ҳақида муҳим маълумотлар келтиради. Шунингдек, унинг Имом Муҳаммаднинг “Ал-Жоме ас-сагир” асарига шарҳ сифатида “Таълиқот” ҳамда фикҳга оид “ал-Воқеот” ва “ал-Мабсут” асарлари мавжуд бўлган. Паздавий Мовароуннаҳрда, айниқса Бухорода ҳанафий мазҳаби ҳамда мотуридия калом мактаби ривожланишида улкан хизмат кўрсатган олим ҳисобланади.

2. **Абул Муин Насафий.** Бошқа мотуридия олимларига нисбатан Абул Муин Насафийнинг мотуридия таълимоти ривожда тутган ўрни ниҳоятда катта бўлган. Айниқса, унинг “Табсират ал-адилла” асари ёзилгандан кейин мотуридия таълимотининг шухрати янада ошиб кетган. Ибн Абул Вафо Қураший (ваф. 775/1373), Ибн Қутлубуго (ваф. 879/1474), Тошкўпирзода (ваф. 990/1582), Ҳожи Халифа (ваф. 1067/1657) ва Муҳаммад Абдулҳай Лакнавий (ваф. 1304/1886) каби олимлар унинг ҳаёти ва илмий-маънавий мероси ҳақида ўз асарларида қисқача тўхталиб ўтганлар.

Юқоридаги олимлар ўз асарларида унинг тўлиқ исмини Абул Муин Маймун ибн Муҳаммад ибн Муътаמיד ибн Муҳаммад ибн Макхул ибн Фазл Насафий Макхулий деб келтирганлар (Тамимий, 1983:513).

Алломанинг юқоридаги номлар билан аталишдан катъи назар, унинг исми табакот

шаклидаги адабиётларда бир канча ихтилофли ҳолда берилган. Масалан, барча китобларда унинг иккинчи бобоси Муътаמיד ёки Муътаמיד деб номланган. Лекин Ибн Қутлубуго унинг бобосининг исмини “Санийд” деб, Хайриддин Зириклий эса, “Муъбад” деб атаган. Махмуд ибн Сулаймон Кафавий унинг ўз исми Маймун ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад Муътаמיד ибн Аҳмад деб атайди (Кафавий, 196). У “ал-Макхулий” нисбаси билан ҳам аталган. Бу, албатта унинг бобоси исмидан олинганлигига ишорадир. Шунингдек, “ал-Имом ал-ажал аз-зоҳид”, “ал-Фақиҳ ал-ҳанафий сайфул ҳаққ”, “Қомий ал-мужаллидин”, “Аздулдин”, “Жомий ал-усул” ва “Раис аҳли сунна вал жамоа” каби номлар ҳам унга нисбатан берилган.

Абул Муиннинг таваллуд топган ва вафот этган йиллари ҳақида ҳам бир канча ихтилофли фикрлар мавжуд. Зириклий унинг тутилган санасини 418/1027 йил деб кўрсатади. Ибн Қутлубуго аллома 508/1114 йили зулҳижжа ойининг йигирми бешинчи куни етмиш ёшида вафот этганлигини таъкидлайди. Бундан Насафий 438/1047 йили таваллуд топганлиги маълум бўлади. Лекин унинг “Табсират ал-адилла” асарини нашрга тайёрлаган туркиялик олим Хусайн Отай ҳам Абул Муин Насафийнинг таваллуд санасини хижрий 438/1047 йил билан боғлайди (Насафий, 1993:7). Хусайн Отайнинг шогирди, туркиялик бошқа бир тадқиқотчи Мустафо Сайид Язичиўгли аллоمانинг тутилган ва вафот этган саналарини 417/1024-508/1115 йиллар деб кўрсатган (Yazicioğlu M., 1985:281).

Абул Муин Насафий дастлабки таълимни она шаҳри Насафда олиб, кейин илм-фаннинг йирик марказларидан ҳисобланган Самарқандга кўчиб ўтган ва сўнгра сиёсий вазиятлар таъсири остида Бухорога кўчишга мажбур бўлган. У Бухорода яшаган даврида сермахсул ижод қилган ва у ерда мотуридия калом мактабининг қарор топиб ривожланишида катта хизмат кўрсатган. Насафий Бухорода Алоуддин Самаркандий, Нуриддин Собуний, Иброҳим Саффор, Нажмиддин Абу Ҳафс Насафий каби машҳур мутакаллим олимларни етиштириб чиқарди.

Абул Муин Насафий ўзининг самарали ижоди давомида калом илмига оид ўндан ортик асар ёзиб қолдирган. “Табсират ал-адилла”, “Китоб ат-тамҳид ли қаъоид ат-тавҳид”, “Баҳр ал-калом”, “Маноҳиж ал-аймма фил-фуруъ”, “Изоҳ ал-Манҳаж ли кавн ал-ақл ҳужжатарн”, “Қасид

ал-кавоид фи илм ал-ақоид”, “ал-Ифсод ли хадъ ал-илҳод” ва “ал-Умда фи усул ал-фикх” асарлари шулар жумласидандир. Бизнинг давримизгача улардан фақат учтаси, яъни “Табсираат ал-адилла”, “Китоб ат-тамҳид ли кавоид ат-тавҳид” ва “Баҳр ал-калом” номли асарлари етиб келган ва нашр этилган. Мазкур асарлар орасида “Табсираат ал-адилла” алломанинг энг катта ва шох асари ҳисобланади.

3. **Абу Ҳафс Насафий.** Тўлиқ исми Нажмиддин Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Исмоил Насафий (460/1068–537/1142) бўлиб, баъзи манбаларда унга ҳам “Мотуридий” нисбаси берилган. Бу унинг Имом Мотуридийнинг маънавий шогирди ва мотуридия таълимотининг давомчиси бўлганига далолатдир. Зеро, Абу Ҳафс Насафий ўзининг “Китоб ал-қанд фи зикри уламои Самарқанд” (“Самарқанд олимларини зикр этиш бўйича қанддек (ширин) китоб”) асарининг бир нечта жойида Имом Мотуридий номини ўзининг маънавий устози сифатида хурмат билан тилга олади. Шунингдек, “Ақоид Насафий” асарини мотуридия таълимотини акс эттирган ҳолда ёзган.

Абу Ҳафс Насафийга “Мотуридий” нисбаси берилишига унинг Имом Мотуридий юрти Самарқандда умрининг асосий қисмини ўтказгани ҳам сабаб қилиб кўрсатилади. Жумладан, ўрта аср алломалари ва машҳур кишиларининг нисбаларини ёритиб берувчи “Китоб ал-ансоби” номли асар муаллифи, Абу Ҳафс Насафий билан мактублар орқали илмий мулоқотда бўлган Абу Саъд Самъоний (ваф. 1167) алломани “Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад Насафий Мотуридий” деб атаган.

Нажмиддин Насафий ўрта аср шарқ олимларига хос қомусий билим соҳиб бўлиб, замонасининг машҳур тарихчиси, фақиҳи, муфассири, тилшуноси, географи, файласуфи ҳамда шоири сифатида ҳам кенг танилган. У ёзган асарлар мундарижаси ниҳоятда кенг ва ранг-баранг бўлиб, уларнинг бир қисмигина бизгача етиб келган.

Нажмиддин Насафий тилшунослик, тарих, фикх каби илмларга бағишлаб юздан ортик асарлар яратган. Ҳозирги маълумотларга кўра, унинг бизгача ўн та китоби етиб келган, холос. Мотуридия калом мактабида катта шухрат қозонган “Ақоид Насафий” асари ушбу таълимот доирасида Абул Муин Насафийнинг “Табсираат ал-адилла” асарида кейинги ўринда туради.

Нажмиддин Насафийнинг фалсафа ва ақоидга доир ҳам кўплаб асарлари бўлган. Айниқса, унинг “Манзумот Насафий фил ҳилофиёт” номли шеърый асари кенг шухрат қозонган.

4. **Абу Шакур Солимиёв Кеший.** Тўлиқ исми Муҳтадий Абу Шакур Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Сайд ибн Шуайб Солимиёв Кеший Макшифийдир (Примов С., 2009:102–105). Абу Шакур Солимиёв V/XI асрда юртимизнинг Кеш воҳасида яшаб ижод қилган мотуридия мутакаллим уламои бўлиб, V/XI асрнинг 40–50 йиллар оралиғида туғилиб 508/1114 йил вафот этган. У ўз даврининг машҳур уламоларидан таълим олган. Жумладан, Шайх ал-ислом Абу Бакр Муҳаммад ибн Ҳамза Хатиб Самарқандийдан бир қанча асарларни ўрганган. Солимиёвнинг мазкур устози эса Шайх Рукн ал-ислом Шамс ал-аимма Абу Муҳаммад Абдулазиз ибн Аҳмад ибн Наср Ҳаловонийнинг (ваф. 448/1056) шогирди бўлган.

Солимиёвнинг ҳаёти, устоз ва шогирдлари ҳақида библиографик манбаларда маълумотлар кам учрайди. Жумладан, “Кашф аз-зунун” асарининг муаллифи Ҳожи Халифа Абу Шакур Солимиёвнинг “ат-Тамҳид фи баён ат-тавҳид” номли асари бор, дейиш билан қиёсланган. Шарқшунос олим А.Мўминов Абу Шакур Солимиёв Кешийнинг яшаган даври V/XI асрнинг иккинчи ярмига тўғри келишини ва алломанинг мазкур асари асосан ўқув қўлланмаси сифатида фойданланганлигини таъкидлайди.

МУҲОКАМА

Ислом илмлари олими Шайх Абдулазиз Мансур мазкур асар ҳақида қуйидагиларни зикр қилади: “Солимиёвнинг мотуридия ақидасига оид “ат-Тамҳид фи баён ат-тавҳид” номли китоби уламолар ўртасида машҳур бўлиб, унинг қўлёзма ва тошбосма нусхалари бизгача етиб келган” (Абдулазиз Мансур, 2006:8). Шунингдек, 2014 йил тадқиқотчи Примов С. томонидан мазкур китобнинг биринчи маротаба илмий-танқидий наشري амалга оширилган. Нашрга асарнинг ўзбек тилидаги тўлиқ таржимаси ҳам илова қилинган.

Машҳур ҳанафий олими Нуриддин ибн Султон Муҳаммад Али Қорий (ваф. 1014/1606) “Шарҳ ал-фикх ал-акбар” китобида гуноҳи кабира мўминни имондан чиқармаслигига оид мавзунини шарҳлашда масалани Абу Шакур Солимиёвнинг мазкур асарида иқтибос келтирган ҳолда ёритиб берган (Солимиёв Кеший, 2014:628).

Солимиий “Тамҳид” асарининг ёзилиш сабаби, тарихини қуйидагича баён қилади: “Мендан баъзи дўстларим ибора ва ишораси билан тушунарли бўладиган тарзда маърифат ва тавҳид асослари ҳақида қўлланма ёзиб беришимни сўрадилар. Ёзадиган китобим ақл эгалари тўғри йўлни топиши учун фойдали бўлишида Аллоҳдан истихора (яхшилик) талаб қилганимдан сўнг уларнинг бу таклифига жавобан ушбу китобни ёздим ва уни “ат-Тамҳид фи баён ат-тавҳид” деб номладим.

Абу Шакур Солимиийнинг “Тамҳид” асари ўз даврида ва кейинги вақтларда аҳли сунна вал жамоа ақоидини баён қилиб берувчи муҳим манбалардан бири бўлиб келган. Унинг аҳли сунна вал жамоа эътиқодини аниқ ва равшан билиб олишда ҳамда турли адашган фирка ва оқимларнинг хатоларини англашда ўрни бекиёсдир. Муаллиф аҳли сунна вал жамоанинг эътиқодий қарашларини ёритиб беришда оят ва ҳадислар билан бир қаторда Имом Абу Ҳанифа, Имом Абу Юсуф, Имом Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний ва Имом Молик ибн Анас (94/712–179/795) каби уламолардан нақл қилинган ривоятларга мурожаат қилган.

Солимиий мазкур асаридаги эътиқодий масалаларни баён қилиб беришда Абу Ҳанифанинг “ал-Фикҳ ал-абсат”, “ал-Олим вал мутааллим”, “Васоя ал-Имом ал-Аъзам” асарларидан ҳамда устозлари Шайх ал-ислом Абу Бакр Муҳаммад ибн Ҳамза Хатиб Самарқандийнинг “Китоб ас-сирқа” ва Шамс ал-аймма Абу Муҳаммад Абдулазиз ибн Аҳмад ибн Наср ал-Ҳаловонийнинг “ал-Амолий” асарларидан иқтибослар келтириб ўтади. Абу Шакур Солимиийнинг мазкур китоби низоҳатда енгил услубда ёзилган бўлиб, ўша даврда ақоид дарсларини ўқитишда қўлланма сифатида фойдаланилган.

Абу Шакур Солимиийнинг “ат-Тамҳид фи баён ат-тавҳид” асари қуйидаги ўн иккита бобни ўз ичига олиб, унда ақл, ҳис қилинадиган ва маълум нарсалар, Яратувчининг исботи, Аллоҳ сифатларининг исботи, Аллоҳнинг исмлари, Расулulloҳга (с.а.в.) юборилган ваҳийнинг исботи, имон маърифати, имоннинг шартлари, дин ва шариятлар, тақлиф ва тоат, халифалик ва амирлик ҳамда аҳли сунна вал жамоа тўғрисидаги мавзулари баён этилган.

5. **Алоуддин Самарқандий.** Абул Муин Насафийнинг энг яқин шогирдларидан ҳисобланган, фикҳ соҳасида улкан муваффақиятларга эришган. Унинг тўлиқ исми Муҳам-

мад ибн Аби Аҳмад Абу Бакр Алоуддин Самарқандий бўлиб, 538/1143 йили вафот этган (Brockelmann C., 1898:374).

Алоуддин Самарқандий Абул Муин Насафийдан фикҳ ва калом илмларини ўрганган, шу асосда ўзининг фикҳга оид “Тухфат ал-фуқаҳо” номли машҳур асарини яратган. Нафақат фикҳ, балки калом ҳамда тафсири илмлари борасида ҳам самарали ижод қилган ва мотуридия калом мактабини қўллаб-қувватлаган. Натижада Абу Мансур Мотуридийнинг “Таъвилот аҳли сунна” номли тафсирига “Шарҳ таъвилоти аҳли сунна” номли шарҳ ёзган. Олимнинг ушбу шарҳи ёзилишида Абул Муин Насафийнинг хизмати низоҳатда катта бўлган. Чунки Алоуддин Самарқандийнинг ўзи Насафий билан Мотуридийнинг “Таъвилот” асарини бирга мутолаа қилганини ва Насафий жониз деб топган жойларга шарҳ ёзиб илова қилиб борганлиги ва кейинчалик ушбу шарҳларни алоҳида китоб ҳолига келтирганини таъкидлаган (Yazicioglu, 1985:267).

Шунингдек, Алоуддин Самарқандий Абул Йўср Паздавийдан ҳам илм ўрганган. Алломанинг бир қанча шогирдлари ҳам бўлган. Энг яқин шогирди ўз қизи Фотима бинт Муҳаммад бўлиб, у кейинчалик машҳур фақиҳа олима даражасига кўтарилган. Алоуддин Самарқандий қизини ўзининг яқин шогирди Алоуддин Абу Бакр ибн Масъуд ибн Аҳмад Косонийга турмушга берган (Комитов М., 2000:75). Косоний устозининг “Тухфат ал-фуқаҳо” асарига шарҳ тарзида “Бадонъ ас-саноъ фи тартиб аш-шароъ” номли асар ёзган. Косоний Абул Муин Насафийнинг ҳам шогирдларидан ҳисобланган.

6. **Иброҳим Саффор Бухорий.** Олимнинг тўлиқ номи Иброҳим ибн Исҳоқ Саффор Бухорий (ваф. 534/1139) бўлиб, у Абул Муин Насафийдан Бухорода калом илмидан таълим олган. Дастлаб “Рисола фаҳм масоил суила анҳа аш-Шайх ас-Саффор фа ажаба анҳа” номли рисоласини ёзиб, унда Абу Мансур Мотуридий фикрларини баён қилган. Олим бухороликлар учун калом илми бўйича “Китоб талхис ал-адилла ли қаъид ат-тавҳид” номли ўқув қўлланмасини яратган. Ушбу асарнинг қўлёзма нусхаси Истанбулнинг Сулаймония кутубхонаси Отиф Афанди бўлимида 1220 рақами остида сақланади. Иброҳим Саффорнинг Бухорода мотуридия калом мактабининг ёйилишида хизматлари низоҳатда катта бўлган.

7. **Нуриддин Собуний.** Нуриддин Аҳмад ибн Махмуд ибн Аби Бакр Собуний

(ваф. 580/1184) ҳам Иброҳим Саффор билан бирга Бухорода мотуридия калом мактабининг ташкил топишида жонбозлик кўрсатган олимдир. Абул Муин Насафийни ўзининг устози деб ҳисоблаган ва ундан калом илмини ўрганган. Бухорода ашъария мактаби вакили Фахриддин Розий билан учрашган. Олим дастлаб “ал-Бидоя фи усул ад-дин” номли ўқув қўлланмасини яратган. Ушбу қўлланмани Топалўгли Б. 1978 йилда Истанбулда биринчи мартаба нашр эттирган. Шундан сўнг бу муҳим асар яна етти мартаба нашр этилди. Собунийнинг яна “ал-Кифоя фил ҳидоя” номли асари мавжуд бўлиб, унинг қўлёзма нусхаси Истанбулнинг Сулаймония кутубхонаси Лолали бўлимида 2271 рақами билан сақланади.

Шунингдек, олимнинг “ал-Мунтако мин исмат ал-анбиё” номли асари бўлиб, унинг ҳам қўлёзма нусхаси Сулаймония кутубхонасининг Лолали бўлимида 2426 рақами билан сақланади.

8. Алоуддин Ўсмандий. Абул Фатҳ Алоуддин Муҳаммад ибн Абдилхамид ибн Умар ибн Ҳасан ибн Ҳусайн Самарқандий Ўсмандий 488/1095 йили Самарқандга яқин Асманд шаҳрида туғилган (Оқилов С., 2017:59). Бу шаҳар “Ўсманд” ёки “Саманд” деб ҳам аталган. У “Тухфат ал-фуқаҳо” муаллифи Алоуддин Муҳаммад ибн Аҳмад Самарқандий билан чалкаштирилгани боис манбаларда унга Ўсмандий нисбаси ҳам қўшиб аталади. “Ўсмандий” Ашраф ибн Муҳаммад Алавийдан фикҳ илмини ўрганган, “ас-Садр аш-шаҳид” номи билан машҳур Бурҳон ал-анимма Умар ибн Абдулазиз ибн Моза Бухорийдан (ваф. 536/1142) ҳадис ривоят қилган ва Али ибн Умар Харротдан ҳадис илмини ўрганган.

Ўсмандий Абул Муин Насафий билан учрашгани ҳақида маълумотлар келмаган бўлса-да, калом илмига оид асарларини ёзишда асосан унинг илмий меросидан таъсирланган. Абул Муин Насафий асарларини замондоши Алоуддин Самарқандийдан ўрганган.

Ўсмандийнинг калом илмига оид биргина асари ҳақида маълумотлар бор. Баъзи манбаларда унинг номи “Дубоб ал-калом”, бошқа манбаларда “ал-Ҳидоя фи усул ал-этикод” ёки “ал-Ҳидоя фил калом” деб келтирилган (Özervarli M., 1999). Ушбу асар усул ад-дин мавзуларини янги ўрганаётганларга ўқув қўлланма сифатида ёзилган.

Ўсмандийнинг бошқа мавзуларга оид асарларига тўхталсак, унинг фуруъ ал-фикҳга оид “Тариқат хилоф ал-фикҳ байнал аймам ат-

аслаф”, “Базл ан-назар фил усул” ёки “Фи усул ал-фикҳ”, “ат-Таълика фил фикҳ” ва “ал-Амолий фит тафсир” номли асарлари ҳам бўлган. Лекин баъзи манбаларда ва кутубхона каталогларида “Тухфат ал-фуқаҳо”, “Мезон ал-усул”, “Шарҳ ал-жоми ал-калом” ва “Шарҳ таъвилот ал-Қуръон” асарлари Алоуддин Самарқандийга эмас, балки янглиш равишда Алоуддин Ўсмандийга тегишли деб қайд этилган.

Ханафий факихлари орасида ўзига хос обрўга эга бўлган бу аллома VI/XII асрда Мовароуннаҳрда мотуридия калом мактаби ривожига салмоқли хисса қўшган. Ўсмандий 552/1157 йилда 64 ёшида Бухорода вафот этган.

9. Ҳусомиддин Сигнокий. Ҳусомиддин Сигнокий ҳақида манбаларда жуда кам маълумотлар келган. Унинг тўлиқ исми Ҳасан ибн Али Ҳажжож ибн Али Ҳусомиддин Сигнокийдир. Олимнинг илмий мероси ҳақида асосан комусий асарларда қисқача маълумотлар учрайди. Унинг илмий мероси ҳақида Абдулҳай Лакнавийнинг “ал-Фавонид ал-баҳия” асарида нисбатан кенгрок маълумот берилган. Алломанинг туғилган йили ҳақида манбаларда маълумот келмаган. У Бухоро ханафий фикҳ мактабининг ёркин вакилларида ҳисобланган. Фикҳ илмини Ҳофизиддин Бухорийдан ўрганган. Ўз даврида фикҳ ва калом илмлари билан шугулланган. У 700/1301 йилда Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” асарига “Нихоя” номли шарҳ ёзиб, унга шарҳ ёзган биринчи олимлар қаторига кирган. Олим сарф ва наҳв илмларини ҳам мукамал билган. Сарф илмига оид “ан-Нажох” номли китоб ёзган. Лекин Сигнокийнинг калом илмига оид “ат-Тасдид фи шарҳ ат-тамҳид ли қавоид ат-тавҳид” ҳамда “ал-Кофий фи шарҳ усул ал-Паздавий” номли асарлари мотуридия таълимотининг кейинги асрларда ривожланишида катта хизмат қилган.

Мотуридия таълимотининг ёркин вакили Абул Муин Насафий каламига мансуб “ат-Тамҳид ли қавоид ат-тавҳид” асарига шарҳ сифатида “ат-Тасдид фи шарҳ ат-тамҳид ли қавоид ат-тавҳид” асарини 706/1306 йили ёзиб якунлаган (Оқилов С., 2017:66). Ушбу асарнинг нодир қўлёзма нусхалари Истанбулдаги Сулаймония кутубхонасида Амказадехўсейн бўлимида 309 рақам ва Роғиб Пошо бўлимида 774 рақам билан сақланмоқда. Сигнокий 710/1310 йили Ҳалаб шаҳрида вафот этган.

10. Қамолиддин ибн Ҳумом. Тўлиқ исми Муҳаммад ибн Абдулвоҳид ибн Абдулхамид

ибн Масъуд ибн Ҳамидиддин ибн Саъдиддин Сивосий, Искандарий, Қоҳирий Ҳанафий бўлган бир олим аслида Мовароуннаҳрда ижод қилмаган бўлса-да, мотуридия таълимотининг VIII/XIV–IX/XV асрлардаги ривожда катта хизмат қилган. Шу боис аксарият олимлар уни мотуридия таълимотининг энг сўнгги вакилларида бири сифатида эътироф этганлар.

“Ибн Ҳумам” унинг қунаси, “Қамолдиддин” эса лақаби ҳисобланган ва у “Қамол ибн Ҳумам” номи билан машҳур бўлган. Алломанинг тугилган йили ҳақида икки хил тахмин мавжуд. Баъзи манбаларда у 788/1386 йилда таваллуд топгани эътироф этилса, баъзи манбаларда 790/1388 йил деб кўрсатилган. У 861/1457 йили рамазон ойининг эттинчи, жума куни Қоҳирада вафот этган.

НАТИЖА

Ибн Ҳумам илмий оиллада дунёга келган. Отаси Абдулвоҳид ибн Абдулҳамид Сивас шаҳрининг қозиси бўлган. Дастлаб Искандарияда факих Абдурахмон Акбарийдан Қуръон илмини ўрганган ва Қуръонни тўлиқ ёд олиб, ҳофиз бўлган. 813/1411 йили Қоҳирага кўчиб ўтганидан сўнг Шихобиддин Ҳайтамий, Шамсиддин Зиротиний каби уламолардан дастлабки сабоқни олган. Илм талабида Ҳалаб, Қуддус, Макка ва Мадина каби ислом марказларига сафар қилган. Ҳанафий ақидаси ва мазҳабини ўрганишида устози “Қорий ал-ҳидоя” (“Ҳидоя” асарини ёд билувчи) лақаби билан машҳур бўлган олим Сирождиддин ибн Умар ибн Алининг катта меҳнати синган.

Шунингдек, ўз даврида бир қанча шогирдлар тарбиялаб, уларнинг машҳур факих уламо бўлиб етиштишларига хизмат қилган. Шогирдлари қаторига Ибн Шамсиддин Муҳаммад ибн Амир Ҳалабий, Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Шаҳна, Сайфиддин ибн Қутлубуго Ҳанафий, Зайниддин Қосим ибн Қутлубуго Ҳанафий, Бадриддин Ирокий ва кўёви Шарофиддин Абу Закарийе каби олимларни киритиш мумкин.

Ибн Ҳумамнинг бизгача етиб келган икки асари ҳанафий мазҳаби ва мотуридия таълимотини тизимли ўрганишга хизмат қилган. Унинг дастлаб Бурҳониддин Маргинонийнинг “Ҳидоя” асарига ёзган “Фатҳ ал-қодир” номли шарҳи ҳамон мадрасаларда ҳанафий мазҳабини ўқитишда энг асосий манбалардан бири сифатида эътироф этиб келинмоқда.

Ашъария таълимоти олими Абу Ҳомид Ғаззолийнинг “ар-Рисола ал-Қудсия” асарига шарҳ сифатида ёзилган “ал-Мусояра фил ақоид ал-мунжия фил охира” Ибн Ҳумамнинг иккинчи шох асари ҳисобланади. Ушбу асарга кейинчалик олимнинг шогирди Қамолдиддин ибн Муҳаммад ибн Аби Бакр ибн Али ибн Аби Шариф (ваф. 905/1500) “ал-Мусомара” номли шарҳ ёзган. Ушбу шарҳ “ал-Мусояра”нинг матнига хошия қилиб нашр этилган.

“Ал-Мусояра” китоби ўз даврида мотуридия таълимотини билишда, мотуридия ва ашъария таълимотлари ўртасидаги фарқ ва ихтилофларни англашга хизмат қилувчи энг асосий манба ҳисобланган.

II. Мулло Али Қорий. Юртимизда ушбу олим неча асрлардан бери “Мулло Алиулқорий” номи билан машҳур. У Абу Ҳанифанинг “ал-Фикҳ ал-акбар” номли рисоласига шарҳ сифатида ёзган “Шарҳ ал-фикҳ ал-акбар” номли асари билан шухрат қозongan. Айнан ушбу китоби туфайли ўз даврида уни уламолар ҳанафий-мотуридия таълимоти вакили сифати эътироф этганлар. “Ал-Фикҳ ал-акбар”га қўплаб шарҳлар ёзилган бўлса-да, Али Қорий каламига мансуб шарҳ мадрасаларда ҳанафий ва мотуридия ақидасини ўқитишда асосий манбалардан ҳисобланган.

Али Қорийнинг тўлиқ исми Али ибн Султон Муҳаммад Ҳаравий бўлиб, тугилган йили ҳақида манбаларда аниқ маълумотлар учрамайди. Лекин манбаларда унинг Ҳиротда тугилгани ва кейинчалик Маккага кўчиб ўтиб ўша ерда муқим яшаб қолгани ва 1014/1606 йили шаввол ойида вафот этгани таъкидланади.

Али Қорий тафсир, кироат, ҳадис, фикҳ, тасаввуф ва қалом илмларига оид асарлар таълиф қилган ва “Шарҳ ал-фикҳ ал-акбар” асаридан ташқари яна “Шарҳ нухбат ал-фикр”, “Шарҳ айн ал-илм ва зайн ал-хилм”, “Мирқот ал-мафотих”, “Шарҳ аш-шифо”, “Даъь ал-молий шарҳи бадъ ал-амолий”, “Шарҳ аш-шамонил” ва “ал-Маснуъ фи маърифат ал-ҳадис ал-мавуъ” номли асарлари ҳам бўлган.

Аллома шунингдек, “Ҳанафий”, “Ҳиравий”, “Маккий” нисбалари билан ҳам номланган. Ўз даврида уламолар орасида “Нуриддин” ва “Абул Ҳасан” қуналари билан ҳам аталган. “Қорий” номи эса унга Қуръонни ниҳоятда чиройли овоз билан ва эътибор билан тиловат қилгани учун берилган.

Али Қорий Ҳиротда улғайган ва ўша ерда Муиниддин ибн Ҳофиз Зайниддин Ҳаравийдан кироат илмини ўрганган ва Қуръонни тўлиқ ёд олган. Лекин Ҳиротда рофизийларнинг қўли баланд келиб, ақидалари кенг таркала бошлаганидан сўнг, у Маккага хижрат қилишга мажбур бўлган.

Маккада у яна кироат илмини ўрганишни давом эттиради. Шайх Сирожиддин Умар Яманийдан етти хил кироат илмини таҳсил олади. Зайниддин Атийя ибн Али ибн Ҳасан Саламий, Али Ҳусомиддин, Ибн Ҳажар Ҳайтамий номи билан танилган Шихобиддин Аҳмад ибн Муҳаммад, Абдуллоҳ Санадий каби олимлардан ҳадис илмини ўрганган. Ўша даврнинг машҳур хаттоти Ҳамдуллоҳ Омсийдан хаттотлик санъати сирларини ҳам ўрганиб, ўз даврининг таникли хаттотига айланган. Манбаларда келтирилишича, Али Қорий бир йилда бир марта Қуръонни чиройли ҳуснихатда кўчирган ва уни сотиб, даромадини илмий изланишлари йўлида сарф қилган.

Али Қорий бир қанча шогирдлар ҳам етиштирган. Абдулқодир ибн Муҳаммад Табарий, Абдурахмон ибн Исо Муршидий, Муҳаммад ибн Фаррух Марварий ҳамда Сулаймон ибн Сафиюддин Ямоний каби олимлар шулар жумласидандир.

12. Сирожиддин Ўшӣй. Олимнинг тўлиқ исми Сирожиддин Али ибн Усмон ибн Муҳаммад Ўшӣй Фаргонийдир. Унинг “Баъд ал-амолӣй” номи асари бизгача етиб келган ва мадрасаларда ханафӣя ақидасини ўқитишда асосий манбалардан бири сифатида хизмат қилган. Халқ орасида “Қасидаи Амолӣй”, “Ломия”, “Амолӣй”, “Каломия” номлари билан ҳам аталган ушбу асар манзума шаклида ёзилган бўлиб, унда аҳли сунна вал жамоа ақидаси баён қилинган. Асар 1954 йили Хўжа Саъиддин турк тилига таржима қилган. Шунингдек, асар “Забражон” номи билан форс тилига таржима қилинган. Сирожиддин Ўшӣй 575/1180 йили вафот этган.

13. Абул Баракот Насафӣй. Олимнинг тўли қисми Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд Ҳофизиддин Абул Баракот Насафӣйдир. Унинг мотуридия таълимотига тааллуқли “ал-Умда” номи асари бўлган. Ушбу асарига ўзи “ал-Эътиמוד фил эътикод” номи шарҳ ҳам ёзган. У 710/1311 йили вафот этган.

14. Садр аш-шариа Убайдуллоҳ ибн Масъуд ибн Тоъс аш-шариа Умар. Олимнинг бизгача

калом илмига оид “Таъдил ал-улум” номи асари етиб келган. Икки қисм ва еттита мавзудан иборат бўлган ушбу асарнинг биринчи қисми мантик илмига оид бўлса, иккинчи қисми бевосита ханафӣя-мотуридия ақидавӣй таълимотига бағишланган. Убайдуллоҳ ибн Масъуд 750/1350 йили Бухорода вафот этган.

15. Саъдуddин Тафтазонӣй. Унинг тўлиқ исми Масъуд ибн Қози Фаҳруддин Умар ибн Мавло Азим Бурҳонуддин Абдуллоҳ ибн Имом Раббонӣй Шамсул-Ҳаққ, Қорий Самарқандӣй Ҳаравӣй Тафтазонӣй Хуросонӣй Ҳанафӣй Ажамӣй бўлиб, у Хуросоннинг Насо (ҳозирги Туркменистон, Ашхабод) воҳасидаги Тафтазон қишлоғида туғилган. Машҳур муаррих олим Ёқут Ҳамавийнинг (574/626–1179/1229) таъкидлашича, Насо Хуросон вилоятида жойлашган воҳа бўлиб, унинг ҳавоси тоза ва иқлими мўътадил. Тафтазон эса, Насодаги тоғ ортида жойлашган катта қишлоқ номидир.

Саъдуddин Тафтазонӣй наҳв, сарф, маонӣй, баён, усулуд фикҳ ҳамда фуруъул фикҳ (ханафӣй ва шофеӣй), мантиқ, ақида, тафсир ва бошқа илм соҳалари бўйича йирик олим бўлган. Алломанинг кунyasi “Абу Саид” бўлиб, у нафақат Ислом оламида “аш-Шайх Саъдуddин”, “ал-Устоз”(устоз), “ал-Имом ал-Қабир” (катта имом), “Устоз ал-уламо ал-мутааххирин ва саййид ал-фузало ал-мутақаддмин, мавлоно саъд ал-милла ва ад-дин, муъдил мизон ал-маъқул ва ал-манқул, муфтиҳ агсон ал-фуруъ ва ал-усул” (кейинги олимлар устози ва кейинги фозил олимлар саййиди, миллат ва дин бахтлиси, нақл ва ақл мезонининг тўғриловчиси, усул ва фуруъ шоҳлари очувчиси), “ал-Имом ал-аллома” (алломаи имом), “Саъд ал-милла ва ад-дин” (миллат ва диннинг бахтлиси), “Саъд ал-имом ал-аллома ал-фақиҳ ал-адиб ал-ханафӣй” (ханафӣй фақиҳ адиб олимлари имомининг бахтлиси) ва “Олим ал-машрик” (Шарқнинг олими), “Ҳибр ал-умма, шамс ал-аимма” (Умнат олими, имомлар қуёши), “ал-Аллома ас-санӣй” (иккинчи аллома) каби номлар билан машҳур, балки ўзининг геометрия, математика, фалсафа, мантиқ, адабиёт каби аниқ ва гуманитар фанларга оид кўплаб қомусӣ асарлари билан жаҳон илм-фанига катта ҳисса қўшган олим сифатида эътироф этилади.

Алломанинг таваллуд топган йили тўғрисида манбаларда икки хил маълумот келтирилган. Жумладан, уларнинг баъзиларида 722/1322 йил кўрсатилса, бошқаларида 712/1312 йил

келтирилган. Шунингдек, олимнинг вафоти ҳақида ҳам манбаларда 787/1385 йил, 789/1387 йил, 791/1389 йил, 792/1390 йил, 793/1391 йил, 794/1392 йил ва 796-797/1394-1395 йил каби турли саналар кўрсатилган. Лекин, Саъдуддин Тафтазонийнинг 722-792/1322-1390 йилларда яшаганлиги ҳақидаги маълумот асосли. Бу ҳақда машҳур ханафий олимларидан Аҳмад ибн Мустафо Тошкўпризода (901-968/1495-1561) ўзининг “Мифтаҳ ас-Саода” номли асарида Саъдуддин Тафтазонийнинг таникли шогирдларидан бири Фатхуллоҳ ибн Абдуллоҳ Шарвоний Румий Ҳанафий (ваф. 857/1453)дан ривоят қилган. Жумладан, Фатхуллоҳ Ҳанафий Сараҳса устозининг қабрини зиёрат қилганлиги ва унга олим, ҳусусан, унинг вафоти ҳақидаги маълумотлар битилганига гувоҳ бўлганини айтган. Алломанинг 722/1322 йилда дунёга келганлигига иккинчи асосли далил бу унинг “Шарҳ ат-тасириф ал-иззий” номли асарини ўн олти ёшида, яъни 738/1338 йили ёзиб тугатганидир.

Саъдуддин Тафтазоний араб, эски туркий ва форс тилларида илмий фаолият юритган бўлиб, у тафсир, фикҳ, калом, наҳв, балогат, мантиқ ва бошқа соҳаларда эллиқдан ортиқ асар тасниф қилган ҳамда инсонлар унинг илмий меросидан манфаат топган олимлар сирасидан ҳисобланади. Шуни алоҳида таъкидлаш керак, аллома ўзининг шох асарларини Мовароуннаҳр шаҳарларида битган ва Ислом оламида энг ёш китоб ёзган олимлар сарасига қиради. Ҳусусан, аллома қаламига мансуб асарларни илм соҳаларига ва уларнинг ёзилган йилига кўра, қуйидагича таснифлаш мумкин:

Ақоид илмига оид: “Шарҳ ал-Ақоид ан-насафия”, “Китоб ал-Мақосид”, “Шарҳ ал-Мақосид”, “Ғоятү таҳзиб ал-калом фи таҳрир ал-мантиқ ва-л-калом”, “Рисола фи таҳқиқ ал-ийман”, “Ар-Рисола фи ал-калом” асари;

Усул-фиқҳ илмига оид: “Талвих фи кашф ҳақоик ал-танқиҳ”, “Ҳошия ало Шарҳ ал-Мухтасар ало Китоб Мунтахо ас-савол вал-амал фи илмай ал-усул вал-жадал”, “Шарҳ ал-Вароқот фи усул ал-фиқҳ”, “Рисола ал-ҳудуд” асари;

Фуруўл фиқҳ илмига оид: “Ал-Ғатово ал-ханафия”, “Шарҳ ал-Фарониз ас-сирожий”, “ал-Мифтоҳ фи фуруў ал-фиқҳ”, “Шарҳ Фикҳ ал-Кайдоний”, “Китоб ал-Ихзор”, “Рисола ал-икроҳ” асари;

Ҳадис илмига оид: “Арбаун фи ал-ҳадис”, “Шарҳ ал-аҳодис ал-арбаин ан-нававий”, “Ал-Муътақодот” асари;

Тафсир илмига оид: “Талхис ал-Кашшоф”, “Кашф ал-асрор ва уdda ал-аброр фи тафсир ал-Куръон” асари;

Тажвид илмига оид: “Рисолати тажвид” асари;

Сийратга оид: “Шарҳ ал-Кавакиб ад-дуррия фи маҳд хойр ал-бариййа” асари;

Араб тили грамматикасига оид: “Шарҳ ат-тасриф ал-Иззий”, “Иршод ал-Ҳодий”, “ат-Таркиб ал-жалил фи илм ан-наҳв”, “Ал-Исбах”, “Қованин ас-сарф”, “Ҳалл ал-мавоқид фи Шарҳ ал-Қоваид ли Ибн Ҳишом ал-Ансорий”, “Шарҳ Ҳикмат ал-Ишроф” асари;

Луғатшуносликка оид: “Ниям ас-савобиг фи шарҳ ал-калим ан-навобиг”, “Муслихуддин Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Мушрифуддин Саъдий Шерозий” асари;

Балогат илмига оид: “Ал-Мутаввал”, “Мухтасар ал-маоний”, “Шарҳ мифтоҳ ал-улум”, “Шарҳ ал-қисм ас-солис мин ал-мифтоҳ” асари;

Мантиқ илмига оид: “Шарҳ ар-рисола аш-шамсия”, “Ғоятү таҳзиб ал-калом фи таҳрир ал-мантиқ ва-л-калом” асари;

Арифметика ва геометрияга оид: “Шарҳ ар-рисола аш-шамсия фи ал-хисоб”, “Рисола фи завоё ал-мусаллас”, “Тасовий аз-завоя” асари.

Саъдуддин Тафтазоний ўз даврининг дээрли барча фан соҳаларига оид қимматли асарлар ёзиб қолдирган ханафий-мотуридий олимдир. Ҳусусан, ўрганишлар жараёнида алломанинг жами 41 та асари борлиги аниқланиб, улар 12 та фан соҳасига таснифланди. Улардан йигирматаси нашр этилган бўлса, саккизтасининг қўлёзма нусхалари топилди ва ўнтаси аниқланмади. Лекин бу алломанинг улардан бошқа китоблари йўқ деган хулосани бермайди. Жумладан, алломанинг “Шарҳ ақоид ан-Насафия” ва “Ғоятү таҳзиб ал-калом фи таҳрир ал-мантиқ ва-л-калом” мотивиди таълимоти бўйича муҳим манбалардан бири бўлиб, бугунги кунгача дастлабкисига етмиш еттига ва иккинчисига эса, саксон иккита шарҳ, ҳошия ва таълиқлар битилган. Шунингдек, унинг “Шарҳ ақоид ан-Насафия”, “Ғоятү таҳзиб ал-калом фи таҳрир ал-мантиқ вал-калом”, “Шарҳ ар-рисола аш-шамсия” ва “Ал-Мутаввал” каби асарлари Мовароуннаҳрдаги ва Усмонли турк империяси ҳудудидаги мадрасаларда XX асрнинг биринчи чорагигача ҳамда бутун дунёга машҳур Дорал-улум Девбанд каби халқаро таълим даргоҳларида эса бугунги кунгача асосий дарслик, қўлланма сифатида фойдаланилган ва фойдаланиб келинмоқда.

16. Ҳизр Чалабий. Олимнинг тўлиқ исми Ибн Жалолиддин Ҳизр Бий бўлиб, ўзининг “ал-Қасида ан-нуния фил ақоид” номли асари билан шухрат қозонган. Ушбу асарга Усмон Урёний деган олим “Шарҳ ал-қасида ан-нуния” номли шарҳ ёзган. Ҳизр Чалабий 810/1408 йили туғилиб, 863/1459 йили вафот этган.

17. Камолиддин Баёзий. Олимнинг тўлиқ исми Аҳмад ибн Ҳасан ибн Синон Камолиддин Баёзийдир. Унинг Абу Ҳанифанинг “ал-Фихҳ ал-акбар” номли рисоласига шарҳ сифатида ёзилган “Ишорат ал-маром мин иборат ал-имом” номли асари бўлган. Баёзий 1098/1687 йили вафот этган.

ХУЛОСА

IX–X асрлар давомида ханафий мазхаби Мовароуннаҳрда кенг тарқалиши кузитилган. Ўлкадаги шахарларда ислом илмлари билан шугулланувчи олимлар жамоаси шаклланиб, уларнинг устоз-шогирд анъанаси асосидаги фаолияти натижасида турли мактаблар юзага келган. Шу ҳолат калом илмида ҳам кузатилиб, ўлкада “Жузжоний” ва “Иёдий” номи билан ақидавий мактаблар ва уларнинг вакиллари фаолияти йўлга қўйилган.

Имом Мотуридий ҳам Жузжоний мактаби вакили сифатида Самарқанд илмий фаолият олиб борган. Устозлари силсиласи ханафий мазхаби асосчиси Имом Абу Ҳанифага етиб боради. “Диннинг атоқли шахсларидан бири, мусулмонларнинг шайхи, имом, суннатнинг қиличи, адашган ва бидъатчи тоифаларни тағтомири билан қўпариб ташловчи, ислом шайхи, зоҳид, ҳидоят имоми, ҳидоят байроғи имоми, ҳидоят ва дин имоми, миллат таянчи, умматни ҳидоятга йўловчи, Самарқанд шайхларининг раиси, ханафий шайхлари раиси, мутакаллимлар имоми, мусулмонлар эътиқодини тузатувчиси, аҳли сунна вал жамоа раиси, суннат нусратчиси, шариатни жонлантирувчиси, мусулмонлар эътиқодини мустаҳкамловчиси” каби номлар билан танилган. Имом Мотуридий қаламига мансуб асарларнинг сони ўн бештага етиб қолади. Абу Мансур Мотуридийдан сўнг унинг ақидавий қарашларини давом эттирган шогирдлари ва мотуридия таълимоти вакиллари сифатида эътироф қилинган қўлаб ханафий уламоларнинг хизматлари бекиёс. Тарихга назар ташласак, VIII/XIV–XI/XVII асрларга келиб, нафақат, Мовароуннаҳрда, балки бошқа ислом дийёрларида ҳам

ийгирмадан зиёд машхур мотуридия таълимоти вакиллари етишиб чиққан.

Абу Мансур Мотуридий даврида у билан бир қаторда издошлари томонидан ҳам калом илмига оид асарлар таълиф қилинган. Уларда кўтарилган мавзулар асосан Имом Абу Ҳанифанинг ақидавий қарашлари асосида ёритиб берилган. Улар орасида “Китоб ас-савод ал-аъзам”, “Рисолат фил-имон”, “Ал-Масоил ал-ашрия ал-иёзия”, “Рисолат ат-Тавҳид” (“Тавҳид рисоласи”), “Рисолат фил-ақоид” (“Ақидалар хақида рисола”), “ал-Ақоид ан-насафия”, “Бадъу ал-амолий”, “ал-Ақоид ан-Ноблусия” каби асарлар Мотуридий давридан олдин ва ундан кейин таълиф этилган машхур асарлар саналади.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдуллоҳ Абдулҳамид Саъд. (2007). Ўрта Осиё олимлари қомуси. Тошкент: Имом Бухорий республика илмий-маърифий маркази нашриёти.
2. Абу Мансур Мотуридий. (2019). Китоб ат-Тавҳид. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия нашриёти.
3. Абу Шакур Солибий Кеший. (1908). ат-Тавҳид фи байон ат-тавҳид. Самарқанд: Демуруф.
4. Абдулхай Лакнавий. (1902). ал-Фавоид ал-баҳийа фи тарожим ал-ханафийа маъа ат-Таълиқот ас-санийа. Қозон.
5. Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний. (2002). Ислом ҳуқуқшунослиги. Ханафий мазхаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёти.
6. Алимов У. (2008). IX–XI асрларда Самарқандда калом илмининг ривожланиши. Тошкент: “Movaqounnahr” нашриёти.
7. Аминов Х., Примов С. (2017). Ханафий фикҳи тарихи, манбалари ва истилоҳлари (Фикҳ фанидан ўқув қўлланма). Тошкент: Movaqounnahr.
8. Ақоид китоби: Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳнинг “Фикҳул-акбар” китобига шарҳ (2019). / Таржимон ва шарҳ муаллифи: Позилев Нодирбек Набижон ўғли. Тошкент: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи.
9. Ақоид матнлари. (2006). Матнлар: ал-Фикҳул-акбар (Имоми Аъзам), ал-Ақондот-таховия (Имом Таҳовий), Ақоиди Насафия (Нажмуддин Насафий), Бадъул-амолий (Али ибн Усмон Ўшӣй) / Нашрга тайёрловчи ва таржимон: Шайх Абдулазиз Мансур. Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси.
10. Буюк юрт алломалари (2016). / тузувчи ва нашрга тайёрловчи: У.Уватов. Тошкент: “O‘zbekiston” нашриёти.
11. Зиёдов Ш. (2009) Абу Мансур Мотуридий ва унинг “Китоб ат-Тавъилот” асари. Тошкент: “Фан” нашриёти.

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИНИНГ
“МОТУРИДИЙЛИК” ЖУРНАЛИ**

Мазкур нашр олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, докторантлари, мустақил тадқиқотчилари, магистрантлари, талабалари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Тахририят фикри муаллиф нуктаи назари билан бир хил бўлмаслиги мумкин.
Журналдан кўчирма олинганда манба кайд этилиши шарт.

MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريدية - Матүридизм

1/2023

Бош муҳаррир: **Ж.Каримов**

Муҳаррир: **З.Фахриддинов**

Нашр учун масъул: **З.Арслонов**

Чет тилларидаги матнлар муҳаррири: **О.Сотволдиев**

Дизайнер-саҳифаловчи: **З.Ғуломов**

Манзилимиз: Ўзбекистон халқаро ислом академияси Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази, 100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.

Тел: (+99871) 244-35-47, (+99871) 244-35-36. **Web:** www.maturidijournal.uz

E-mail: info@moturidiy.uz

Наشريётнинг лицензия рақами АИ № 0011. 06.05.2019 йил.

Босишга 03.05.2023 йил рухсат этилди. Бичими 60×84 ¼.

Ризограф усулда босилди. Шартли босма табағи 10,2.

Нашр табағи 10,4. Буюртма № 06.

Баҳоси шартнома асосида.

“Ўзбекистон халқаро ислом академияси”

наشريёт-матбаа бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.

100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.



IMOM MOTURIDIY

XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI

INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CENTER

المركز الدولي للبحوث العلمية

Jurnalga maqolalar qabul qilish
uchun maxsus veb-sayt:

 www.maturidijournal.uz

 +998971 244-35-36

 www.moturidiy.uz

   @moturidiyuz

 info@moturidiy.uz